



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI
B U Y R U Q

2020 yil “1” may

115-sonli

Toshkent sh.

**Хотин-қизлар ва эркаклар учун
тeng ҳуқуқ ҳамда имкониятларни
таъминлаш масалалари бўйича
маслаҳат кенгашини ташкил
этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 апрелдаги 07/2-107-сонли топшириги билан вазирликка юклатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича барча даражадаги раҳбар ҳамда мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Гендер tenglikни таъминлаш бўйича комиссиянинг тавсиялари *раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин*.
2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгаши ҳақида”ги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг маслаҳат кенгашининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Кадрлар ва таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи X.Лапасов ва Юридик бошқарма бошлиғи Р.Шаропов **бир ой муддатда** маслаҳат кенгаши раиси ва аъзоларини тайинлаш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширсин.
5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринbosари А.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

Ш.Хамраев

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлигининг
2020 йил 1 майдаги 115-сонли
буйруғига 1-ИЛОВА.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-кенгаши тўғрисида

НИЗОМ

I. МАСЛАҲАТ-КЕНГАШИННИГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг тафсияларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади) хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича коллегиал маслаҳат органи ҳисобланган, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилишини бартараф этиш мақсадида маслаҳат-кенгаши тузилади.

2. Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган гендер тенглик ва оила масалалари бўйича халқаро шартномалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Низом асосида амалга оширади.

3. Маслаҳат-кенгаши қонунийлик, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиқлик ва шаффоффлик принциплари асосида фаолият юритади.

4. Маслаҳат-кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг устувор йўналишлари ва тавсияларига амал қилган ҳолда вазирликда қуидагиларни амалга оширади:

- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни амалга ошириш юзасидан ўз таклифларини беради;

- юридик хизмат томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларни гендер тенгликни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий (гендер-ҳуқуқий) экспертизадан ўтказишда бевосита иштирок этади;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аёлларга берилган имтиёзларнинг яратилғанлик ҳолатини ўрганади ва унинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлайди;

- ички идоравий хужжатларни таҳлил қилиш орқали аниқланган гендер

тенгсизликни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва юридик хизматга тақдим этади;

- фаолият жараёнини мониторинг қилади, баҳолайди ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқади ва раҳбариятга тақдим этади;

- хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратилишини таъминлайди;

- ишга кириш мақсадида мурожаат қилган номзодлар билан ўтказиладиган сұхбат ёки бошқа жараёнларда, иш берувчи томонидан вазифа ва лавозимларга тайинлашда ҳамда кадрлар захирасини шакллантирища гендер тенгликни таъминлайди;

- раҳбарлик лавозимларига иқтидорли, талабчан ва масъулиятли аёллар номзодларини тавсия қилинишини таъминлайди;

- ходимларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига дөир мурожаатларини кўриб чиқади;

- ходимларни иш жойидаги зўравонликка барҳам беришга қаратилган фаолиятни олиб боради ва бундай ҳолатларни олдини олиш чораларини кўради;

- давлат мукофотлари ва кўкрак нишонларига тавсия қилиш ҳамда рағбатлантирища гендер тенгликни таъминлайди;

- хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

- меҳнат жамоасида касбий йўналишда teng имкониятлар яратилиши, айниқса, аёллар ва қизларни доимий равишда бепул тиббий кўриқдан ўтказиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритади;

- бир хил лавозимларда ишлаётган хотин-қизлар ва эркакларга ойлик иш хақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар teng тўланишини мониторинг қилади;

- гендер тенгликни таъминлаш маданиятини шакллантириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради;

- бошқа ташкилотлар билан гендер тенгликни таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилади.

Маслаҳат-кенгашлари хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш мақсадида асосий фаолият йўналишлари сифатида конунда тақиқланмаган бошқа чора-тадбирларни белгилаши ҳамда амалга ошириши мумкин.

II. МАСЛАҲАТ-КЕНГАШИННИГ ТАРКИБИ

5. Маслаҳат-кенгashi Сув хўжалиги вазири томонидан етти кишигача (қоида тариқасида) бўлган таркибда вазирлик томонидан тасдиқланган тузилмага мувофиқ шакллантирилади.

6. Маслаҳат-кенгашининг биринчи йиғилишида унинг раиси ва котиби тайинланади. Маслаҳат-кенгashi раисининг вазифаларини бажариш Сув

хўжалиги вазирининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади. Маслаҳат-кенгашиниң раиси Кенгаш аъзоларини шакллантиради.

7. Маслаҳат-кенгаши раиси:

Кенгаш фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади;

Кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

Кенгаш қарорларининг бажарилиши бўйича умумий назоратни амалга оширади;

Кенгаш томонидан амалга оширилаётган фаолият учун жавобгар ҳисобланади.

8. Маслаҳат-кенгаши котиби:

Кенгаш мажлисиning кун тартиби лойиҳасини тайёрлайди;

Кенгаш аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиради.

9. Маслаҳат-кенгаши аъзолари Маслаҳат-кенгаши мажлисларида шахсан иштирок этади.

10. Сув хўжалиги вазири Маслаҳат-кенгашини ташкил этиш учун шахсан

масъул ҳисобланади.

III. МАСЛАҲАТ-КЕНГАШИ ИШ ТАРТИБИ

11. Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг йиғилиши раиснинг ташабуси билан ёки Кенгаш аъзоларининг камидан учдан бир қисмининг таклифига кўра чақирилади. Кенгаш йиғилиши ҳар чоракда камидан маротаба ўтказилиши шарт.

12. Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, унинг йиғилиши ваколатли ҳисобланади. Маслаҳат-кенгаши йиғилишига унинг аъзоларидан ташқари, вазирлик ходимлари, оммавий ахборот воситалари, мутахассис ёки эксперталар ва бошқалар таклиф қилиниши мумкин.

13. Маслаҳат-кенгаши йиғилиши баённомаси котиб томонидан юритилади. Мазкур баённомада Маслаҳат-кенгаши йиғилишида кўриб чиқилаётган масалалар тўлиқ баён этилади.

14. Маслаҳат-кенгаши йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар натижаси юзасидан карор қабул қилинади. Қарорлар кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда Маслаҳат-кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Кенгаш баённомаси котиб томонидан имзоланиб, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

15. Маслаҳат-кенгашининг қарорлари ташкилот раҳбарияти учун кўриб чиқилиши мажбурийдир.

16. Маслаҳат-кенгаши хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасида амалга оширган ишлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Гендер tengликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг сўровига асосан тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлигининг
2020 йил 1 майдаги 15-сонли
бўйруғига 2-ИЛОВА.

Маслаҳат-кенгаши тузилмаси.

